



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АСОС ВА ТАКЛИФЛАР

**Самигов Сарваржон Салимжон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси  
магистратура тингловчиси Эл.почта: [sarvarjonss@mail.ru](mailto:sarvarjonss@mail.ru)*

*Тел.: +998-99-901-77-76*

**Аннотация:** *Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура органларини жорий этиш учун асос ва таклифлар ўрганилган таҳлиллар натижасида келтирилган. Мақолада ихтисослаштирилган прокуратура органларининг ташкил этилиши, қонунчиликка киритиладиган таклифлар ва уларнинг афзалликлари ҳақида сўз боради. Бундай прокуратура органларининг самарадорлиги ҳам маълумотлар ва тадқиқотлар асосида баҳоланади. Ўрганилган таҳлиллар коррупцияга қарши курашиш соҳасида ихтисослаштирилган прокуратура органларининг самарали фаолиятига хизмат қилувчи асосий тамойил ва амалиётларни аниқлаш имконини беради.*

**Калит сўзлар:** *ихтисослаштирилган прокуратура, коррупция, орган, агентлик, ваколатлар ва вазифалар, самарадорлик.*

Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган бўлинмаларининг мақомини бевосита тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мавжуд эмас, аммо прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонунларда айрим нормалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги қонунига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш функцияси конституциявий орган, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш соҳасида Бош прокуратуранинг тегишли бўлинмаларининг мустақиллигини таъминлаш масаласи билан боғлиқ муайян қийинчиликларнинг юзага келиши эҳтимолини ҳисобга олиб, ихтисослаштирилган органларни шакллантириш соҳасида хорижий тажрибадан фойдаланиш таклиф этилади. Коррупцияга қарши кураш мақсадида, Ўзбекистон



шароитида махсус прокурорларнинг мустақил алоҳида хизматини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир<sup>25</sup>.

Бош прокуратуранинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармасининг ваколатлари каби коррупциявий жиноятларни тергов қилиш ва экспертиза қилиш ваколатларига эга бўлган ихтисослаштирилган антикоррупция прокуратурасини жорий этиш мамлакатнинг ушбу иллатга қарши самарасиз курашиш ва уни олдини олиш даражасини кўтаради. Таклиф этиладиги, Бош прокуратура негизида ташкил этиладиган Коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура қўйи даржадан вилоят кесимигача бўлган коррупцион жиноятлар ва мансабдор шахсларнинг коррупцион жиноятларини тергов қилиш билан шуғулланиши ҳам кўзда тутилади<sup>26</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ваколатларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур агентликка тергов функцияси қўшиб, юқори мансаб ва лавозимдаги судьялар, ташкилот ва орган раҳбарларининг мол-мулкларини декларация қилиш ҳамда кенг кўламдаги Республика ва хорижий даражадаги коррупцион жиноятларни фош этиш ваколоти ҳам берилиши мақсадга мувофиқ. Хориж майдонларида активларни қайтариш масалаларида ҳам Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиш Агентлигининг вазифаларига қиритилиши демакдир.

Қонунчиликка Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги фаолияти тўғрисидаги қонун ишлаб чиқиш ҳамда Прокуратура тўғрисидаги қонунга Ихтисослаштирилган коррупцияга қарши курашиш прокуратура бобини киритиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби Агентлик ва Ихтисослаштирилган антикоррупция прокуратуранинг ваколат доирасидаги вазифалари аниқ ажратилган ва белгиланган бўлиши керак.

Бош прокуратура негизидаги мавжуд барча ихтисослаштирилган прокуратураларнинг коррупцияга қарши курашишни тергов қилиш ваколоти яхлит бир тизимга эга бўлган Ихтисослаштирилган коррупцияга қарши прокуратурага ўтказилиши таклиф қилинмоқда.

Мавжуд Агентлик ва таклиф қилинаётган антикоррупцион прокуратура фаолиятини бевосита Жиноят кодексига коррупцияга оид моддалар билан олиб боради. Шу сабаб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига алоҳида Коррупция бобини қўшиш ва унда барча 16 моддага алоҳида таърифлар бериб мувофиқлаштириш таклиф қилинади.

<sup>25</sup> Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари Б.И.Исмаилов И.И.Насриев

<sup>26</sup> Диссертация на тему "Совершенствование прокурорского надзора за исполнением законодательства в области противодействия коррупции" Исмаилов Б.И



Ҳозирда Жиноят кодексининг 16 та моддада назарда тутилган жиноятлар (167-модда учинчи қисми «д» банди, 168-модда тўртинчи қисми «г» банди, 192-9, 192-10-моддалари, 192-11-модда иккинчи қисми «в» банди, 205-модда иккинчи қисми «в» банди, 206-модда иккинчи қисми «в» банди, 208-модда иккинчи қисми, 209-модда иккинчи қисми «в» банди, 210, 211, 212, 213, 214-моддалари ва 301-модда иккинчи қисми «б» банди) шунингдек, 243-моддада назарда тутилган, коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадларга нисбатан содир этилган жиноятлар коррупциявий жиноятлар сифатида эътироф этилмоқда<sup>27</sup>.

Порахўрлик жиноятларини содир этган шахслар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинмаслиги, коррупцияга оид оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш қўлланилмаслиги белгиланмоқда

Шунингдек, Корея Республикасида Коррупцияга қарши Ихтисослаштирилган прокуратура мавжуд бўлиб, ҳар қандай коррупцион жиноят ишини суд ҳукми даражасигача олиб бориш ваколатига эга. Жиноят иши судьянинг ҳукми билан яқун топмай, Ихтисослаштирилган прокуратура томонидан ҳукм берилиши кўзда тутилади.

Мазкур прокуратуранинг Бош прокурорининг мақоми Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўринбосари лавозимига тенглаштирилиши таклиф этилади. Ходимларни фақат юриспруденция бўйича олий маълумотга эга бўлишликлари ва тезкор ходимларни эса Ўзбекистон Республикаси ҲМҚО Академияси бакалаврини тергов йўналишини тамомлаган бўлиши шарт тавсия этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари Б.И.Исмаилов И.И.Насриев
2. Диссертация на тему “Совершенствование прокурорского надзора за исполнением законодательства в области противодействия коррупции” Исмаилов Б.И
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/04/07/corruption>

<sup>27</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2023/04/07/corruption>